

IX. ДЕМОГРАФИК ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига Тошкент шаҳрида доимий аҳоли сони 2475,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 10,3 минг кишига ёки 100,4 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-март қўйидагича ифодаланади

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	10056	10111	55	16,8	16,6
Ўлганлар	4273	4239	-34	7,1	7,0
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	201	143	-58	16,0	13,3
Табиий ўсиш	5783	5872	89	9,7	9,6
Никоҳлар	2923	3069	146	4,9	5,0
Ажралишлар	932	983	51	1,6	1,6

Туғилиш даражаси. 2018 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 10111 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (10056 киши) нисбатан 55 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 16,6 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16,8 промилле) нисбатан 0,2 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида (16,3 дан 14,9 промиллега), Сергели туманида (20,3 дан 19,8 промиллега) Юнусобод туманида (17,1 дан 15,9 промиллега) ва Шайҳонтохур (18,1 дан 17,6 промиллега) туманларида кузатилди.

¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 4239 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (4273 киши) нисбатан -34 тага камайди. мос равишда ўлим коэффициенти 7,0 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-мартда 7,1 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Учтепа (7,2 дан 6,9 промиллека), Бектемир (7,7 дан 7,5 промиллека), Яккасарой (5,5 дан 4,9 промиллека) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 62,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 12,7 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,6 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,2 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 3,9 фоизи баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 143 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 13,3 промиллени ташкил қилди (2017 йилнинг январь-мартида 16,0 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 59,4 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 14,7 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 15,4 фоизи - туғма аномалиялардан ва 4,2 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 3069 та никоҳлар ва 983 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,0 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида -4,9 та) ва 1,6 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида-1,6 та) тўғри келади

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида Тошкент шаҳри бўйича кўчиб келганлар сони 7197 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2134 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи плюс 5063 кишига (2017 йилнинг шу даврида - плюс 1961 киши) тенг бўлди.

Энг катта плюс қолдиқлар Яшнобод (плюс 850) ва Учтепа (плюс 628) туманларида кузатилди.

Доимий аҳоли сони¹⁾
(2018 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши)

	Жами аҳоли	шу жумладан:	
		Тошкент шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси

Тошкент шаҳар бўйича:	2475,9	2475,9	x
------------------------------	---------------	---------------	----------


туманлар:

Бектемир	33,3	33,3	x
Мирзо Улугбек	268,7	268,7	x
Миробод	135,1	135,1	x
Олмазор	354,1	354,1	x
Сергели	176,7	176,7	x
Учтепа	264,0	264,0	x
Чилонзор	240,3	240,3	x
Шайхонтохур	331,6	331,6	x
Юнусобод	326,6	326,6	x
Яккасарой	117,7	117,7	x
Яшнобод	227,8	227,8	x

¹⁾ дастлабки маълумот

Доимий аҳоли сони туманлар кесимида

(2018 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши)



Шаҳар ҳудудлари кесимида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил 1 апрель ҳолатига энг кўп аҳоли сони Олмазор туманида 354,1 минг кишини шаҳар аҳолиси сонидаги улиши (14,3 %) ва Шайхонтохур туманида 331,6 минг кишини (13,4 %ни), аксинча энг кам аҳоли сони Бектемир туманида 33,3 минг кишини (1,3 %) ва Яккасарой туманида 117,7 минг киши (4,8 %) ташкил этди.

Худудлар кесимида аҳолининг энг юқори ўсиш суръати 2017 йилнинг мос даврига нисбатан Сергели туманида 2,7 % га, Бектемир ва Яшнобод туманларида 2,1 % га, Учтепа туманида 2,0 %га, аксинча энг кам ўсиш суръати Мирзо Улугбек туманида 1,3 % ни, Яккасарой туманида 1,5 % ни ташкил этди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари
(январь-март ойларида)

(1000 аҳоли сонига)

	<i>Тугилганлар</i>		<i>Ўлганлар</i>		<i>Аҳолининг табиий ўсиши</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.¹⁾</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.¹⁾</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.¹⁾</i>

Тошкент шаҳар бўйича:	16,8	16,6	7,1	7,0	9,6	9,7
------------------------------	-------------	-------------	------------	------------	------------	------------

туманлар:

Бектемир	23,0	23,1	7,5	7,7	15,4	15,5
Мирзо Улуғбек	13,5	14,3	8,4	7,5	6,8	5,1
Миробод	13,9	14,9	8,4	7,9	7,0	5,5
Олмазор	17,6	18,2	6,5	6,5	11,7	11,1
Сергели	20,3	19,8	8,1	7,8	12,0	12,2
Учтепа	19,3	18,1	6,9	7,2	10,9	12,4
Чилонзор	15,3	15,9	7,2	7,2	8,7	8,1
Шайхонтоҳур	18,1	17,6	5,2	5,0	12,6	12,9
Юнусобод	17,1	15,9	7,0	7,2	8,7	10,1
Яккасарой	12,4	13,0	4,9	5,5	7,5	7,5
Яшнобод	16,3	14,9	9,6	8,4	6,5	6,7

¹⁾ дастлабки маълумот

Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
(январь-март ойларида)

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017й.	2018й. ¹⁾	2017й.	2018й. ¹⁾

Тошкент шаҳар бўйича:	2 923	3069	932	983
------------------------------	--------------	-------------	------------	------------

туманлар:

Бектемир	81	61	22	19
Мирзо Улугбек	333	272	112	113
Миробод	135	133	53	71
Олмазор	350	330	112	112
Сергели	308	300	79	109
Учтепа	289	304	81	88
Чилонзор	296	361	87	108
Шайхонтоҳур	362	442	104	88
Юнусобод	368	386	139	117
Яккасарой	110	188	33	46
Яшнобод	291	292	110	112


¹⁾ дастлабки маълумот

Тошкент шаҳар туманлар кесимида тузилган никоҳлар

ва никоҳдан ажралишлар сони, бирлик

(январь-март ойларида)

2-расм



Никоҳ ва никоҳдан ажралишлар 2018 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 3,1 минг никоҳ ва 1,0 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 5,0 ва 1,6 промиллени ташкил этди.

Худудлар кесимида тузилган никоҳнинг энг юқори ўсиш суръати 2017 йилнинг мос даврига нисбатан Яккасарой туманида 170,9 % га, Шайхонтохур туманида 122,1 % га, ва Чилонзор туманида 122,0 % га, аксинча энг кам ўсиш суръати Бектемир туманида 75,3 % ни, Мирзо Улугбек туманида 81,7 % ни ташкил этди.